

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

Қосимова Ф.Х., Ахроров З.О.

“СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ”

фанидан

амалий машғулотларни ўтказиш бўйича

услубий қўлланма

САМАРҚАНД – 2015

Қосимова Ф.Х., Ахроров З.О. Солиқлар ва солиққа тортиш. Услугий қўлланма. – Самарқанд: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2015. 71 б.

Такризчилар: Зайналов Ж.Р. – СамИСИ, “Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси профессори, Магистратура бўлими бошлиғи, и.ф.д.

Шарипов Ш. – Самарқанд шаҳар ДСИ Камерал назорат бўлими бошлиғи

Услугий қўлланма Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2015 йил 26 август 1-сон баён йиғилишида муҳокама қилинди ва тасдиқланди.

Институт ЎУКнинг 2015 йил 27 август 1-сонли баённомаси билан тасдиқланган.

Кириш

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида иқтисодийни модернизациялаш ва янгилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятига кенг имкониятлар бериш, ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, шу билан бир қаторда, бюджет даромадларининг камайишига йўл қўймаслик, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари ҳисобланади. Юртбошимиз томонидан солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг принципиал муҳим устувор вазифа сифатида белгиланиши ҳам бежиз эмас.

Олий таълимнинг давлат стандартларига асосан бакалавриат таълим йўналишлари талабалари учун “Солиқлар ва солиққа тортиш” фани ўқитилади. Ушбу фанни ўқитиш жараёнида юридик ва жисмоний шахслар тўлайдиган солиқ ва унга тенглаштирилган тўловларга тавсиф, шу жумладан, солиқлар ва унга тенглаштирилган тўловларни ҳисоблаш ва бюджетга тўлаш тартиби каби мавзулар ёритиб берилади. Хусусан, юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган солиқларни ҳисоблаш, ҳисоб-китобларни тақдим этиш ва тўлаш тартиблари амалиётга боғланган ҳолда чуқур ўрганилади.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанини ўқитишдан мақсад, талабаларни Ўзбекистон Республикасининг солиқ ва солиққа тортиш тизими билан яқиндан таништириб, уларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, амалий қўллай олиш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилгандир.

Фан олдида қўйилган вазифалар асосан талабаларни солиқ турларини, солиқ объектлари, субъектлари, солиқни ҳисоблаш йўллари, уни ундириш усуллари, имтиёзлари, солиқ органларига ҳисоб-китобларни тақдим этиш тартиби, ҳисобланаётган солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини ўргатишдан иборатдир.

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фани бўйича мазкур соҳада эришилган асосий ютуқ, муаммолар ва унинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, солиқлар ва солиққа тортиш бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмаларини шакллантиришга қаратилгандир. Шу билан бир қаторда мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ислохотларининг тадрижий ривожланиши ва Президентимиз томонидан чиқарилаётган фармон ва қарорларнинг маъно-моҳиятини талабалар онгига сингдиришдан иборатдир.

1-мавзу. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети, мақсади ва вазифалари

Режа

1. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг предмети ва ўрганиш усуллари.
2. “Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг мақсади, предмети ва вазифалари.
3. Фаннинг амалдаги солиқлар ва солиққа тортиш тизими билан таништиришга қаратилганлиги.
4. Фаннинг асосий мақсади солиқ турлари, солиқларга тенглаштирилган тўловлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари бўйича талабаларда кўникмалар ҳосил қилишдан иборат эканлиги.

Саволлар

- а) Солиқлар ва солиққа тортиш фанининг аҳамияти ва иқтисодий фанлар тизимидаги ўрни ва аҳамиятини айтиб беринг?
- б) Фаннинг предмети, асосий мазмуни, таркибий тузилиши, вазифаларини тушунтириб беринг?
- в) Фаннинг бошқа иқтисодий фанлар билан боғлиқлигини изохлаб беринг?

“Солиқлар ва солиққа тортиш” фанининг

Предмети	Мақсади	вазифалари
Бу солиқ тўловчиларнинг солиқлар ва уларга тенглаштирилган тўловларнинг иқтисодий моҳияти, давлат бюджети даромадларини шакллантиришдаги аҳамияти, солиқ тизими ва сиёсати, солиқ турларлари бўйича белгиланган имтиёзлар тизими, солиқларни ҳисоблаш механизми амалдаги ҳолатини ўрганиш	Талабаларни Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими билан яқиндан таништириб, уларнинг иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, фан бўйича назарий ва амалий билим кўникмаларини ҳосил қилиш кўникмалар ҳосил қилиш	Бозор иқтисодиёти шароитида солиқларни ҳисоблашни ўрганиш; бюджетга тўлаш тартибларини ўрганиш; хорижий мамлакатлар солиқ тизимларидаги илғор тажрибаларни ўрганиш; солиқ имтиёзлари ва қўллаш тартибини ўрганиш; солиқлар бўйича ҳисоботларни солиқ органларига тақдим этиш тартибларини ўрганиш; солиқларни бухгалтерия ҳисобида акс эттирилишини ўрганиш ва х.к.

2-Мавзу. Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар

1. Солиқ тизими ва солиққа тортиш тизими, уларнинг амал қилиш хусусиятлари.
2. Ўзбекистон солиқ тизимида амалда бўлган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар.
3. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг бюджет даромадларидаги салмоғи ҳамда уларнинг ўзгариш сабаблари.
4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар: иқтисодий моҳиятига кўра гуруҳланиши; бюджетга тушишига кўра гуруҳланиши; солиқ тўловчилари нуктаи-назаридан гуруҳланиши.

Саволлар

1. Солиқларнинг йигимлар ва бошқа тўловлардан фарқли жиҳатларини айтиб беринг.
2. Солиқлар иқтисодий категория сифатида аҳамияти қандай?
3. Солиқларнинг объектив зарурлиги нималарда намоён бўлади?
4. Солиқларнинг ўзига хос белгилари нималардан иборат?
5. Солиқларнинг фискал функциясини тушунтириб беринг.
6. Амир Темур «Ўзбеклар»да солиқ назариясига оид қандай фикрлар бор?
7. Адам Смитнинг солиққа тортиш тамойиллари ҳақида қандай таълимоти мавжуд?
8. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортишнинг қандай тамойиллари белгилаб берган?
9. Солиқ механизми ҳақида тушунча беринг

Солиқ тушунчасини Т-схема бўйича аниқлаш.

Шакли ва иқтисодий мазмуни бўйича

1. Давлат хизматлари учун ҳақ.
2. Давлат учун дастак.
3. Пул.
4. Мажбурий тўлов.
5. Мажбурий пул муносабатлари.
6. ЯИМни тақсимлашдаги пул муносабатлари.
7. Давлат пул фондларига тушадиган сумма.
8. Фақат бюджетга тушадиган сумма.
9. Мажбурий ажратмалар.
10. Қонун билан белгиланган тўлов.

Тўғриси	Тааллуқли эмас
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.

**Солиқлар моҳиятини очиш учун Т-схемадан фойдаланиб жавоб беринг.**

1. Маънавий категорияси.
2. Иқтисодий категория.

3. Молиявий категория.
4. Молия-иқтисодий категория.
5. Давлат билан солиқ тўловчилар ўртасидаги пул муносабатлари (мулкый муносабатлари)ни ифодаловчи категория.

1-муаммо. Функциялар баҳсли бўлганлигидан қандай функцияларни сиз кўпроқ тўғри дейсиз?.

2-муаммо. Қандай солиқлар иқтисодиётга тўғридан-тўғри таъсир қилади?

3-муаммо. Ялпи ички маҳсулотни тақсимлашда келиб тушиши, иқтисодий моҳиятига қараб қайси гуруҳ солиқлар иқтисодиётда катта рол ўйнашлиги кўрсатилади.

Муаммонинг ечими вариантларини баҳолаш жадвали (балларда)

Катнашувчи	Муаммо ечимининг алтернатив варианты				
	1	2	3	4	Н
А					
Б					
В					
Н					
Жами					

1. Солиқ элементлари ҳақида тушунча беринг?
2. Солиққа ториш тизими тушунчаси нимани ифодалайди?
3. Солиққа тортиш тизимнинг қандай элементлари мавжуд?
4. Солиқ ставкаларининг қандай турлари мавжуд?
5. Солиқ имтиёзлари тушунчаси нимани ифодалайди?
6. Солиқ элементларининг иқтисодий моҳияти ва таркибий тузилишини гапириб беринг?
7. Солиқ ставкаларининг қандай турлари мавжуд?
8. Солиқ имтиёзлари тушунчаси ва унинг қандай турлари мавжуд?
9. Амир Темур «Тузуқлари»да солиқ назариясига оид қандай фикрлар бор?
10. Адам Смитнинг солиққа тортиш тамойиллари ҳақида қандай таълимоти мавжуд?
11. Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигида солиққа тортишнинг қандай тамойиллари белгилаб берган?
12. Солиқ механизм ихақида тушунча беринг?

Т-схемадан фойдаланиб солиқлар элементларини аниқланг?

1. Солиқ субъекти.
2. Солиқ объекти.
3. Солиқ манбаи.
4. Солиққа тортиш бирлиги.
5. Солиқ ставкаси ва уларнинг турлари.
6. Солиқ юки.
7. Солиқ суммаси.
8. Солиқ имтиёзи.
9. Хужжатлар.

Солиқлар элементлари

Тўғриси	Тааллуқли эмас
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.



1. Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг ривожланиш боскичлари.
2. Солиқларнинг гуруҳланиши.

1. Ўзбекистонда солиққа тортиш тизими тушунчаси.

Солиқлар тизими моҳияти жиҳатидан бир хил, ўзаро боғлиқ бўлган ва давлат бюджети, ва бошқа давлат фондларига тушадиган солиқ турларининг йиғиндисидир.

Қонун чиқарувчи органлар томонидан белгиланган ва ижрочи идоралар томонидан ундириладиган солиқларни ташкил этиш усуллари, элементлари ва тамойиллари йиғиндисига солиққа тортиш тизимидеб аталади. Демак, бу ерда тизим иқтисодий категорияни ўрганишни ўз ичига олади.

У асосан солиқ ундиришни ташкил қилиш масалаларини ўргатади. Бу тизимнинг роли ва структураси жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тизими билан аниқланади.

1. Биринчи боскичда (1991-1994 йиллар) солиқ тизими хазина масаласини хал қилишга қаратилган бўлиб, унинг асосий мақсади бюджетнинг купрок мутаносиб бўлишини таъминлашдан иборат бўлди

2. Иккинчи боскичда (1995-1999 йиллар) у янада барқарорлашди, ундан бозор иқтисодиети тамойилларига жавоб бермайдиган солиқ ва тўловлар чиқариб ташланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 30 ноябрдаги 1014- сонли “Ўзбекистон Республикасида солиқларнинг рағбатлантирувчи аҳамиятини кучайтиришнинг асосий юналишлари тўғрисида”ги Фармони солиқларнинг рағбатлантириш ролини ошириш, солиқ имтиёзларини кучайтириш, хусусий сармояларни кенгайтириш, кичик, урта ва хусусий тадбиркорликни жадал ва куамли ривожлантириш солиқ сиесати, унинг солиққа тортишнинг турли субъектларига нисбатан қулланишдаги мослашувчанлигини амалга оширишни тақоза этди.

3. Солиқ тизимини ривожлантиришнинг учинчи боскичи (2000 йилдан бошлаб) Мамлакатимиз Президенти ва ҳукумати томонидан жамият ҳаётининг барча томонларини эркинлаштириш, иқтисодий ислохотлар юлидан олға бориш вазифалари қуйилган

Ўзбекистон Республикасида қандай солиқлар ва мажбурий тўловлар амал қилади.

Солиқлар	Мажбурий тўловлар	Соддалаштирилган тартибдаги солиқлар

Куйидаги жадвални тўлдириш
Республика ва маҳаллий бюджетга тушадиган солиқлар

№	Солиқларнинг турлари	Республика бюджети	Маҳаллий бюджет
	Фойда солиғи		
1.	Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи		
2.	Қўшилган қиймат солиғи		
3.	Акциз солиғи		
4.	Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ		
5.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ		
6.	Мулк солиғи		
7.	Ер солиғи		
8.	Ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш солиғи		
9.	Бензин, дизел ёнилғиси ва газ учун истеъмол солиқ		
10.	Савдо-сотиқ қилиш ҳуқуқи учун йиғим, лицензия йиғимлари.		
11.	Юридик шахсларни, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғим.		
12.	3. Мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:		
13.	1) ягона ижтимоий тўлов;		
14.	2) фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари;		
15.	3) бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;		
16.	4. Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар:		
17.	1) Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар;		
18.	2) автотранспорт воситаларини сотиб олиш ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудига вақтинчалик олиб кириш учун йиғим;		
19.	3) хорижий давлатлар автотранспорт воситаларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириш ва унинг ҳудуди бўйлаб транзит тарзида ўтиш учун йиғим;		
20.	5. Айрим товар турлари билан чакана савдо қилиш ва айрим хизмат турларини кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;		
21.	6. Давлат божи;		
22.	7. Божхона тўловлари.		
23.	8. Ушбу Кодексад белгиланган ҳолларда ва тартибда солиқларнинг қуйидаги турлари тўланишини назарда тутувчи солиқ солишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилиши мумкин:		
24.	1) ягона солиқ тўлови;		
25.	2) ягона ер солиғи;		
26.	3) тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича қатъий белгиланган солиқ.		

Хозирги даврнинг солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда нималарга эътиборни қаратиш лозим бўлади. Т-схема орқали жавоб беринг?

Эътибор берилиши керак	Қўшимча нималарга эътибор берса бўлади
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.
5.	5.

Солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаси фарқини Т-схема асосида ишлаб чиқинг.

1. Жорий йилга мулжалланган солиқ соҳасидаги тадбирлар.
2. Узок йилларга мулжалланган солиқ соҳасидаги тадбирлар.
3. Асосий юналишлар (Концепциялар) курсатилади.
4. Аниқ юналишлар курсатилади.
5. Конунлар, ҳужжатлар курсатилади.
6. Мамлакат микесида узок йилларга қабул килинган солиқ сиёсати тўғрисидаги Олий мажлис қабул қилган конун еки қарор курсатилади.

Солиқ сиёсати стратегияси	Солиқ сиёсати тактикаси
1.	1.
2.	2.
3.	3.
4.	4.

Тингловчилар уз фикрларини қушиши ва уни химоя қилишига рухсат берилади. Т-схема гуруҳлар томонидан муҳокама қилинади ва гуруҳ етакчилари химоя қилади. Гуруҳлар бир-бирларининг чиқишларини баҳолайдилар.

3-мавзу. Юридик шахсларни солиққа тортиш


Мавзу 3.1.-Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи моҳияти.

Режа

1. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг иқтисодий моҳияти.
2. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиққа тортиш тизимининг ривожланиши.
3. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг бюджет даромадларида тутган ўрни. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғини ундиришда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатлар таркиби.
4. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи тўловчилари таркиби. Солиққа тортиш мақсадида юридик шахс реквизитлари.
5. Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғининг солиқ солиш объекти ва базаси. Солиққа тортиладиган даромадни аниқлаш тартиби.

Саволлар

1. Юридик шахслардан ундириладиган фойдасолиғи объекти
2. Жами даромад таркиби, ҳаражатлар таркиби ва солиққа тортиладиган база
3. Фойда солиғи имтиезлари
 1. Юридик шахслардан ундириладиган фойда (даромад) солиғининг моҳияти.
 2. Солиқ объекти қандай аниқланади?
 3. Жами даромад таркиби.
 4. Ҳаражатлар структураси.
 5. Солиққа тортиладиган база қандай аниқланади?
 6. Даромад солиғи бўйича қанака имтиёзлар берилган?



Гуруҳларга топшириқлар.

1-гуруҳ.

1-топшириқ. Тест.

Фойда солиғи тўловчи юридик шахслар қуйидагилардир:

- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.
- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.
- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари
- Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ёки ҳосил бўлиш манбаи Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган даромадларни оладиган Ўзбекистон Республикаси резидентлари.
- Ўзбекистон Республикасининг резидентлари ва норезидентлари.

2-топшириқ. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўловчилари таркиби ва юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ўзига хос хусусиятларини тавсифланг. Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғини ҳисоблаш ва давлат бюджетга ўтказиш тартиби қандай?

2-гуруҳ.

1-топшириқ. Тест.

2015йилда фойда солиғининг базавий ставкаси 4?

- 7,5 фоизга
- 9 фоизга
- 9,5 фоизга
- 5 фоизга

2-топшириқ. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар ва солиқ ставкаларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланг.

Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини бухгалтерия ҳисобида юритиш тартиби қандай ?

3-гуруҳ.

1-топшириқ. Тест.

2015йилдан бошлаб фойда солиғи ставкаси неча фоиз қилиб белгиланган?

а)12 фоиз;

б)8 фоиз;

в)7,5 фоиз;

г)7 фоиз.

2-топшириқ. Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича солиқ солиш базаси ва юридик шахсларнинг жами даромадлари таркибини тавсифланг.

Жавоб беришда график органайзердан фойдаланинг: “Мантиқий-таркибий схема”.

3-топшириқ. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларидан иловалар келтиринг.

2014 йилнинг асосий яқунлари ва 2015 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар

4-топшириқ. Қисқача хулоса қилинг.

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича давлат солиқ хизмати органларининг назорати қандай амалга оширилади ?

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балл)

Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари (балларда)	Гуруҳлар		
	1	2	3
1-топшириқ (0,3)			
2-топшириқ:			
мавзуга мос келиши, кўргазмалилик (0,8).			
- мантиқийлик, аниқлик (0,5).			
3-топшириқ (0,5)			
4-топшириқ:			
хулосаларни аниқ шакллантирилганлиги (0,5).			
Масала ечилганлиги (0,5)			
Регламент (0,2)			
Назорат саволларига тўғри жавоб учун (0,1)			
Бошқалар томонидан тўлдирилганлиги учун (0,1)			
Жами (3,0)			

3.2-Мавзу. Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисоблаш тартиби

Режа

- Юридик шахсларнинг жами даромадлари таркиби харажатлар таркиби ва солиққа тортиладиган база.
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича имтиёзлар. Солиқ имтиёзларнинг гуруҳланиши
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкалари.
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солигини ҳисоблаш ва тўлаш муддатлари.
- Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича давлат солиқ хизмати органларининг назорати.

1.Сотишдан олинган фойда (Стф) ёки зарар (Стз)

$Стф(Стз)=Ст-Тс$, Бу ерда: Ст - соф тушум, Тс - сотиш таннархи

2.Асосий фаолиятдан олинган фойда(АФФ) ёки зарар(АФЗ) $АФФ(АФЗ)=Стф(Стз)-Дх+Бод$

Бу ерда: Дх - давр харажатлари, Бод - асосий фаолиятдан олинган бошка операцион даромадлар.

3. Умумхужалик фаолиятдан олинган фойда(уфф) ёки зарар(уфф)

$$УФф (Уфз) = АФФ(АФЗ) + Мфф - МФз$$

$Мфф$ - молиявий фаолиятдан олинган фойда $МФЗ$ - молиявий фаолиятдан курилган зарарлар

$$4. \text{Солиқгача фойда(сФ) ёки Зарарлар(сЗ)} \quad сФ (сЗ) = УФф (Уфз) + Фф - Фз$$

Бу ерда: $Фф$ - фавкулотдаги фойда $Фз$ - фавкулотдаги зарар

5. Солиққа тортиладиган даромад (Стф)

$$Стф = сф(сз) + Стх + Сбх - Счх - Д - Ф$$

Бу ерда: $Стх$ - солиқ солиш базасига кайта кушиладиган харажатлар,

$Сбх$ - Хисобот даврида солиқ базасидан чегирилмайдиган, лекинда келгусида чегирилиб борилади харажатлар, $Счх$ - солиқ базасидан хисобот даврида чегириладиган харажатлар, $Д$ - олинган дивидентлар, $Ф$ - олинган фоизлар.

6. Солиққа тортиладиган фойда (Стф) - бу солиққа тортиладиган даромаддан фойда (даромад) солигини хисоблаш учун имтиёз сифатида чегириб ташланадиган харажатларни айиргандан кейин қоладиган фойда суммаси, яъни:

$$Стф = Стд - И$$

Масала:

№1 Куйидаги кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда корхоналарнинг

1. Молиявий натижаси.
2. Солиққа тортиладиган даромад
3. Фойда солиқ суммасини аниқланг.

Минг.сўм.

№	Кўрсаткичлар	Корхоналар			
		1	2	3	4
1	Реализациядан тушган тушум	8000	9420	2800	6900
2	Маҳсулотнинг таннарни	70%	75%	75%	80%
3	Асосий воситаларни ижарага беришдан тушган тушум	550	725	300.	890
4	Дивидент сифатида олинган даромадлар	1200	400	-	320
5	Асосий воситаларни сотишдан тушган тушум	980	1000	320	1500
6	Фоизлар сифатидаги даромадлар	-	-	250	-
7	Акцияларни сотишдан тушган тушум	320	-	-	-
8	Реклама харажатлари	220	280	200	230
9	Давлат бюджетидан берилган субсидия	1000	1000	1000	1000
10	Асосий воситаларни молиявий ижарага беришдан олинган даромад	840	950	-	-
11	Қарздорлар томонидан тан олинган жарималар	-	-	1200	-
12	Валюта бўйича ижобий фарқ	-	500	-	-
13	Хизмат сафари харажатлар	990	480	-	550
14	Меъеридан ориқча реклама харажатлари	750	850	250	-
15	Ижара тўлови	-	-	300	-
16	Моддий ердам	300	300	300	300
17	Йекологшия ташкилотлари бадаллари	75	75	75	75
18	Суд чиқимлари	-	-	-	1000
19	енгил автомобил сақлаш харажатлари	600	600	200	300
20	туланган солиқлар	300	300	300	300
21	Иш ҳақи харажатлари	250	350	280	320

Изоҳ:

1. А корхона экспорт билан шуғулланади. Экспорт улуши умумий реализация хажмида 30%ни ташкил этади.

Масала маълумотларидан фойдаланган ҳолда “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” (2-шакл) ва фойда солиғи ҳисоб – китоби бланкаларини тўлдиринг.

"МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ХИСОБОТ 2 - сонли шакл

Курсаткичлар номи Наименование показателя	Сатр раками	Утган йилнинг шу даврида		Хисобот даврида	
		Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)	Даромадлар (фойда)	Харажатлар (зарар)
1	2	3	4	5	6
Махсулот (товар, иш, хизмат) ларни сотишдан соф тушум	010		X		X
Стилган махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни таннари	020	X		X	
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпифойдаси (зарари) (сатр.010-020)	030				
Давр харажатлари, жами (сатр.050+060+070+080), шу жумл:	040	X		X	
Сотиш харажатлари	050	X		X	
Маъмурий харажатлар	060	X		X	
Бошка операцион харажатлар	070	X		X	
Келгусида соликка тортиладиган базадан чиқариладиган	080	X		X	
Асосий фаолиятнинг бошка даромадлари	090		X		X
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари) (сатр. 030-040+090)	100	-			
Молиявий фаолиятнинг аромадлари, жами (сатр. 120+130+140+150+160), шу жумладан:	110		X		X
Дивидендлар шаклидаги даромадлар	120		X		X
Фоизлар шаклидаги даромадлар	130		X		X
Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) дан даромадлар	140		X		X
Валюта курси фаркидан даромадлар	150		X		X
Молиявий фаолиятнинг бошка даромадлари	160		X		X
Молиявий фаолият буйича харажатлар(сатр. 180+190+200+210), шу жумладан:	170	X		X	
Фоизлар шаклидаги харажатлар	180	X		X	
Расходы в виде процентов по долгосрочной аренде(финансовому лизингу)	190	X		X	
Валюта курси фаркидан курсовых разниц	200	X		X	
Молиявий фаолият буйича бошка харажатлар	210	X		X	
Умумхужалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)(сатр. 100 + 110 - 170)	220				
Фавкулддаги фойда ва зарарлар	230				
Даромад (фойда) солигини тулагунга кадар фойда (зарар) (сатр. 220+/-230)	240				
Даромад (фойда) солиги	250	X		X	
Фойдадан бошка солиқлар ва йигимлар	260	X		X	
Хисобот даврининг соф фойдаси (зарари) (сатр.240 - 250 - 260)					

Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ва ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи ҳисоб-китоби*

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Сумма
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи тўлангунга қадар фойда (зарар) ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 240-сатри)	010	
шу жумладан: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текинга олинган пул маблағлари	011	
суғурта шартномалари бўйича суғурта товони (суғурта суммаси) тариқасида олинган маблағлар	012	
мақсади бўйича фойдаланилганда харажатлар пайдо бўлмайдиган бюджетдан берилган субсидиялар	013	
Товарларни (ишларни, хизматларни) таннархидан паст баҳоларда реализация қилишдан ва текин беришдан зарарлар, баҳолари (тарифлари) давлат томонидан тартибга солиниши назарда тутилган Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан зарарлар бундан мустасно	020	
Солиқ тўловчи томонидан бошқа шахслардан текин олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, ишлар ва хизматлар, қуйидагилар бундан мустасно: 011, 012-сатрларда акс эттириладиганлар; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида текин олинганлар; телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг текин олинган техник воситалари, шунингдек уларга хизмат кўрсатишга доир хизматлар	030	
Давлатнинг кўчмас мулкидан фойдаланганлик учун ижара ҳақининг энг кам ставкаларидан келиб чиқиб ҳисобланган ижара ҳақи миқдорини шартномада белгиланган ижара ҳақи миқдоридан ошган суммаси (Ҳисоб-китобнинг 1-илоvasи 060-сатри)	040	
Чегирилмайдиган харажатлар (солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар) (Ҳисоб-китобнинг 2-илоvasи 010-сатри)	050	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган, бироқ келгуси ҳисобот (солиқ) даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 3-илоvasи 010-сатри)	060	
Ҳисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар (Ҳисоб-китобнинг 4-илоvasи 010-сатри)	070	
Ҳисобот (солиқ) даврининг солиқ солинадиган базасига киритиладиган харажатлар (050-сатр + 060-сатр - 070-сатр)	080	
Олиниши лозим бўлган (олинган) дивидендлар - жами (091-сатр + 092-сатр) улардан:	090	
Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан	091	
Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан	092	
Олиниши лозим бўлган (олинган) фоизлар - жами (101-сатр + 102-сатр) улардан:	100	
Ўзбекистон Республикасидаги манбалардан	101	
Ўзбекистон Республикасидан ташқаридаги манбалардан	102	
Солиқ солиниши лозим бўлган фойда (010-сатр - 011-сатр - 012-сатр - 013-сатр + 020-сатр + 030-сатр + 040-сатр + 080-сатр - 090-сатр - 100-сатр)	110	

Солиқ солишдан озод қилинадиган фойда(Хисоб-китобнинг 5-илоvasи 3-устуни 030-сатри)	120	
Солиқ солинадиган фойда (110-сатр - 120-сатр)	130	
Солиқ солинадиган фойдани камайтириш (Хисоб-китобнинг 6-илоvasи 020-сатри)	140	
Солиқ солинадиган база - жами(130-сатр - 140-сатр)	150	
шу жумладан:		
пластик карточкалар қўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар хажмидан олинган фойдадан хисобланган (150-сатр x Хисоб-китобнинг 11-илоvasи 030-сатри)	151	
151-сатрда келтирилган сумма чегирилган холда фойдадан хисобланган(150-сатр - 151-сатр)	152	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг белгиланган ставкаси	160	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг тузатилган ставкаси:	170	X
экспорт қилувчи корхоналар учун, экспорт улушига қараб, фоизда (Хисоб-китобнинг 12-илоvasи 050-сатри)	171	
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкаларқўлланилиб тўланган кўрсатилган хизматлар хажмидан олинган фойдадан, фоизда (171-сатр - (171-сатр x 10%))	172	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси - жами(181-сатр + 182-сатр)	180	
шу жумладан:		
151-сатрда кўрсатилган фойдадан хисобланган(151-сатр x 172-сатр)	181	
152-сатрда кўрсатилган фойдадан хисобланган(152-сатр x 171-сатр)	182	
Ногиронлар меҳнатидан фойдаланаётган корхоналар учун фойда солиғининг тузатиш киритилган суммаси (Хисоб-китобнинг 13-илоvasи 070-сатри)	190	
Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хисобга олинадиган Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тўланган юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи суммаси(Хисоб-китобнинг 14-илоvasи 090-сатри)	200	
Ўзбекистон Республикасидан ташқарида олинган дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича Ўзбекистон Республикасининг шартномаларига мувофиқ юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи бўйича қўшимча суммаси(Хисоб-китобнинг 15-илоvasи (060-сатри + 120-сатри))	210	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг хисобот даври учун хисобланган суммаси(180-сатр - 190-сатр - 200-сатр + 210-сатр)	220	
Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғининг ўтган хисобот даври учун хисобланган суммаси(олдинги Хисоб-китобнинг 220-сатри)	230	
Соф фойда ("Молиявий натижалар тўғрисида хисобот" - 2-сонли шаклнинг (240-сатри - 250-сатри))	240	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг солиқ солиш базаси(240-сатр - 090-сатр)	250	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг белгиланган ставкаси, фоизда	260	
Хисоблаб чиқарилган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси (250-сатр x 260-сатр)	270	
Бюджетга тўлашдан озод этиладиган ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи суммаси, жами(281 - 28...-сатрлар йиғиндиси)шу жумладан:	280	

Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ҳисобот даври учун ҳисобланган суммаси(270-сатр - 280-сатр)	290	
Ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғининг ўтган давр учун ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган суммаси (олдинги Ҳисоб-китобнинг 290-сатри)	300	

Изоҳлар:1. Кредит ташкилотлари 010-сатрни Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботга мувофиқ аниқлайдилар. Бунда мазкур сатрда Солиқ кодексининг [133-моддасига](#) мувофиқ аниқланадиган асосий воситалар ва бошқа мол-мулк объектларининг чиқиб кетишидан олинадиган молиявий натижа (фойда ёки зарар) ҳам ҳисобга олинади.

2. Қўшимча фойда солиғи тўловчилари 240-сатрдаги соф фойда суммасидан "Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 251-сатридаги "Қўшимча фойда солиғи" ва 252-сатридаги "Қўшимча фойдадан мақсадли молиялаштиришга ажратмалар" суммаларни ҳам чегирадилар.

3. 281-сатр ва кейинги сатрлар солиқ тўловчилар томонидан Солиқ [кодекси](#) бўйича тегишли бандларни ва моддаларни кўрсатган ҳолда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича эса, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тури, санаси, рақами, номи ва унинг тегишли бандини кўрсатган ҳолда тўлдирилади.

Илова 2

**Чегирилмайдиган харажатлар
(солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар)**

Харажатлар рўйхати	Сатр Коди	Сумма
Чегирилмайдиган харажатлар - жами (020 - 270-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
моддий қимматликларнинг табиий камайиш нормаларидан ортиқча йўқотишлар ва бузилишлар	020	
ҳодимларга бериладиган ёки солиқ тўловчининг умумий овқатланиш эҳтиёжлари учун ёрдамчи хўжаликлар томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича нархдаги фарқлар (зарарлар)	030	
хизмат сафарлари, вакиллик харажатлари, ихтиёрий суғурта турлари бўйича ажратмалар бўйича белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар	040	
нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар	050	
хўжалик бошқаруви органини сақлаб туриш учун ажратмалар	060	
умумий овқатланиш корхоналари ёки бошқа чет ташкилотларга жойларни бепул бериш харажатлари, ушбу корхоналар ва ташкилотлар учун коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш	070	
йиллик молиявий ҳисоботни бир ҳисобот даврида бир мартадан ортиқ аудитдан ўтказиш харажатлари	080	
солиқ тўловчининг фаолиятида талаб этилмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари	090	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 177-моддасида назарда тутилган жисмоний шахснинг моддий наф тарзидаги даромадлари ҳисобланадиган солиқ тўловчининг харажатлари	100	
дала таъминоти, хизмат мақсадида ҳодимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланган тўловлар	110	
пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бирйўла тўланадиган нафақалар	120	

ходимларга тўланадиган моддий ёрдам (ходимнинг меҳнатда майиб бўлиши ёки унинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши ёхуд ходим оила аъзосининг вафоти муносабати билан бериладиган ёки ходимнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига бериладиган моддий ёрдам бундан мустасно)	130	
меҳнатда майиб бўлганлик, касб касаллиги ёхуд меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача шикастланиши сабабли ходимларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча тўланадиган тўловлар	140	
экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бадаллар, хомийлик ва хайрия ёрдамлари тарзидаги маблағлар	150	
ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган соғлиқни сақлаш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирларига харажатлар	160	
махсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган ишларни (хизматларни) (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш ишлари, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа турдаги ишлар) бажаришга сарфланган харажатлар	170	
атроф-муҳитни ифлослантирганлик ва чиқиндиларни жойлаштирганлик қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча бўлганлиги учун компенсация тўловлари	180	
кредит шартномасида муддатли қарзлар учун назарда тутилган ставкалардан ортиқча тўлов муддати ўтган ҳамда узайтирилган кредитлар (заёмлар) бўйича фоизлар	190	
лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунига қадар юз берган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, коррозияга қарши муҳофазадаги нуқсонлар туфайли тафтиш ўтказиш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) харажатлари, ушбу харажатларнинг камчиликлар, бузилишлар ёки зарарлар учун жавобгар бўлган махсулот етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ўрнини қоплаш мумкин бўлмаган миқдордаги бошқа шунга ўхшаш харажатлар	200	
суд чиқимлари	210	
айбдорлари аниқланмаган ўғирликлар ва камомаддан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммаларнинг ўрнини қоплаш мумкин бўлмаганда кўрилган зарарлар	220	
солиқ тўловчининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулкнинг (активларининг) чиқиб кетишидан (балансдан чиқарилишидан) кўрилган (бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ аниқланадиган) зарарлар, қуйидаги зарарлар бундан мустасно: Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида мол-мулкни бепул топширишдан кўрилган зарарлар, телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирлари тизимининг техник воситаларини бепул топширишдан ҳамда улардан бепул фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатишдан кўрилган зарарлар; уч йилдан ортиқ фойдаланилган асосий воситаларни реализация	230	

қилишдан қўрилган зарарлар		
хўжалик шартномалари шартларини ва қонун ҳужжатларини бузганлик учун тўланган ёки тан олинган жарималар, пеня ҳамда бошқа турдаги санкциялар	240	
инвестиция активларини ишончли бошқарувчилар, давлат ишончли бошқарувчилари ва давлат улушларини бошқариш бўйича ишончли бошқарувчилар хизматларининг қийматини ҳамда уларга мукофотлар тўлашга доир харажатлар	250	
ишлатиб келинаётган тўлиқ эскирган асбоб-ускуна учун тўланадиган ҳақ	260	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига асосан чегирилмайдиган харажатларга тегишли бошқа харажатлар - жами (271 - 27...-сатрлар йиғиндиси)	270	

Илова3

Хисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегирилмайдиган, бироқ кейинги хисобот даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган аражатлар (9440-хисобварақда хисобга олинган харажатлар)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Ушбу даврда солиқ солинадиган базадан чиқариб ташланмайдиган, бироқ келгуси хисобот даврларининг солиқ солинадиган базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар - жами (020 - 060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари	030	
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда хисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича хисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	

Илова 4

Хисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар (012-балансдан ташқари хисобварақ маълумотлари бўйича)

Харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Хисобот даврида солиқ солинадиган базадан чегириб ташланадиган илгари қилинган харажатлар - жами(020 - 060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
янги ишлаб чиқаришлар, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий ишлаб чиқариладиган янги маҳсулот турларини ҳамда технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари	020	
барча турдаги асбоб-ускуналар ва техник қурилмаларни, уларнинг	030	

ўрнатилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс синаб кўриш (ишлаб турган ҳолатида) харажатлари		
ишчи кучлари қабул қилиш ва янги ишга туширилган корхонада ишлаш учун кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар	040	
асосий воситалар ва номоддий активларнинг жадаллаштирилган усулда ҳисобланган амортизация суммаси билан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 144-моддасига мувофиқ белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ	050	
шубхали қарзлар бўйича захира ташкил этиш учун қилинган харажатлар	060	

Илова 5

Солиқ солишдан озод қилинадиган фойда

Имтиёзлар рўйхати	Сатр коди	Сумма	Салмо-ғи, %
1	2	3	4
Товарларни (ишларни, хизматларни) сотишдан соф тушум ("Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот" - 2-сонли шаклнинг 010-сатри)	010		100
шу жумладан:			
протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан тушумлар	011		
шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан тушумлар	012		
тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан тушумлар	013		
фойдаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида юридик шахслардан олинадиган солиқдан озод этиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) реализациясидан тушумлар:	014	X	X
Солиқ солиниши лозим бўлган фойда(Ҳисоб-китобнинг 110-сатри)	020		X
Солиқ солишдан озод этиладиган фойда - жами(031 - 03.-сатрлар йиғиндис)	030		X
шу жумладан:			
протез-ортопедия буюмлари, ногиронлар учун инвентарлар ишлаб чиқаришдан, шунингдек ногиронларга ортопедик протезлаш хизмати кўрсатишдан, ногиронлар учун мўлжалланган протез-ортопедия буюмлари ва инвентарларни таъмирлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишдан фойда (020-сатр 3-устуни х 011-сатр 4-устуни)	031		X
шаҳар йўловчилар транспортида (таксидан, шу жумладан, йўналишли таксидан ташқари) йўловчиларни ташиш бўйича хизматлар кўрсатишдан фойда (020-сатр 3-устуни х 012-сатр 4-устуни)	032		X
тарих ва маданият ёдгорликларини таъмирлаш ҳамда қайта тиклаш ишларини амалга оширишдан фойда (020-сатр 3-устуни х 013-сатр 4-устуни)	033		X
инвестиция фондларининг хусусийлаштирилган корхоналар	034		X

акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган фойда			
Халқ банки томонидан фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан фойдаланишдан олинган фойда	035		X

Илова 6

Солиқ солинадиган фойдани камайтириш

Солиқ солинадиган фойдани камайтирадиган харажатлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Солиқ солинадиган фойда (Ҳисоб-китобнинг 130-сатри)	010	
Солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами (030-сатр + 040-сатр + 050-сатр)	020	
Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами(031 - 037-сатрлар йиғиндиси)	030	
шу жумладан:		
экология, соғломлаштириш ва хайрия жамғармаларига, маданият, соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, жисмоний тарбия ва спорт муассасаларига, таълим муассасаларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бериладиган бадаллар, хомийлик ва хайрия тариқасидаги маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган фойданинг икки фоизидан кўп бўлмаган миқдорига (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 2 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда)	031	
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида коллежлар, академик лицейлар, мактаблар ва мактабгача тарбия таълим муассасалари қурилишига йўналтирилган маблағлар суммасига, лекин солиқ солинадиган фойданинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорига (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 30 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда)	032	
ёш оилалар тоифасига кирувчи ходимларга ипотека кредитлари бадаллари тўлашга ва (ёки) мулк сифатида уй-жой олишга текин йўналтириладиган маблағлар суммасига, бироқ солиқ солинадиган базанинг 10 фоизидан ошмаган миқдорига (ҳақиқатдаги харажатлар бўйича, бироқ 010-сатрида келтирилган сумманинг 10 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда)	033	
диний ва жамоат бирлашмаларининг (қасаба уюшмалари, сиёсий партиялар ва ҳаракатлардан ташқари), хайрия жамғармаларининг мулкида бўлган корхоналар фойдасидан шу бирлашмалар ва жамғармаларининг уставда белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун йўналтириладиган ажратмалари суммасига	034	
қўшимча фойда солиғини тўловчилар учун соф қўшимча фойда суммасига	035	
инвестицияларга йўналтириладиган маблағлар суммасига (Ҳисоб-китобнинг 7-илоvasи 090-сатри)	036	
жисмоний шахсларнинг омонатлари (муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ҳамда жойлаштирилган жамғарма сертификатлари) хажмларининг кўпайган суммасига(Ҳисоб-китобнинг 8-илоvasи 120-сатри)	037	
Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтириш - жами(041 - 04...-сатрлар йиғиндиси)	040	
шу жумладан:		
Солиқ солинадиган фойдани ўтган солиқ даврларида олинган зарар суммасига камайтирилиши (Ҳисоб-китобнинг 10-илоvasи 050-сатри)	050	

5-мавзу Соддалаштирилган солиқ тизими**5.1-мавзу. Ягона солиқ тўлови****Режа**

1. Соддалаштирилган солиқ тизимининг солиқ амалиётига тадбиқ этилиши. Соддалаштирилган солиқ тизимининг иқтисодий аҳамияти.
2. Соддалаштирилган солиқ тизимининг таркибий тузилиши. Ягона солиқ тўлови ва унинг амал қилиш. Ягона солиқ тўлови ставкалари. Солиқ ставкаларининг табақаланиш мезонлари.
3. Ягона солиқ тўлови бўйича тақдим этилган имтиёзлар ва преференциялар.
4. Ягона ер солиғи тўловчилари, ягона ер солиғини тўлаш тартибини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари.

№6. Қуйидаги ягона солиқ тўловини тўловчи корхоналарининг ягона солиқ тўловини аниқланг (млн. сум)

	Корхоналар		
	1	2	3
Маҳсулот реализациясидан тушган тушум	1392,0	1289,0	4000,0
Хизмат кўрсатишдан тушган тушум	203	400	-
Асосий фондларни сотишдан тушган тушум	100	100	100
Валюта курсидаги мусбат фарқ	140,0	300	200
Давлат субсидияси	20	250,0	180,0
Дивидент ва фоизлар	-	20	20
Солиқ объекти			
Солиқ ставкаси			
Солиқ суммаси			

№7. Корхона ҳисобот даврида 2350 м.с; маҳсулот реализация қилди. Шундан 1940 м.с; компьютер технологияси маҳсулоти ҳисобланади.

Ягона солиқ тўловини аниқланг.

№7а). Кичик корхона ҳисобот даврида қуйидаги кўрсаткичларга эга:

- Маҳсулот реализациясидан тушган тушум 1485 м.с;
- воситачилик фаолиятдан олган пул мукофоти 200 м.с;
- бюджетдан субсидия берилди 1000 м.с;
- суғурта шартномаси бўйича суғурта товони тариқасида олинган маблағ-250 м.с;
- давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлар 500 м.с;

Корхона ҳисобот даврида тўлаётган ягона солиқ тўловини аниқланг.

№8. Умумий овқатланиш корхонаси ягона солиқ тўловчиси ҳисобланади. Ҳисобот билан 150 млн. сўм маҳсулот реализация қилди.

Корхона ўз маҳсулотларини 28 %ини коллежларда жойлашган шахобчаларда реализация қилди ва коллежлардан ташқари хизматларида 10 млн. Сумлик пластик картани қўллаган холда ҳисоб-китоблар амалга ошорилган. Бюджетга ундириладиган ягона солиқ суммасини аниқланг.

№9. Экспорт билан шуғулланувчи ягона солиқ тўлови тўловчи кичик корхона қуйидаги фаолият турлари билан шуғулланади: савдо ва умумий овқатланиш, мол – мулкни молявий ижарага бериш, воситачилик. Шу олиб бораётган фаолиятлари бўйича корхона қуйидаги кўрсаткичларга эга:

1. Асосий фаолиятдан тушган ялпи тушум 38 млн. сўм. Шундан:
 - а. Савдо корхонасининг ялпи тушуми 13 млн. Сўм
 - б. Умумий овқатланиш корхонасининг тушуми 2 млн. Сўм

г. Текинга олинган мол – мулк 2500 млн. Сўм

д. Курилиш ишларидан олинган даромад-1250 млн. Сўм

Е. Асосий воситалар чиқиб кетишидан тушган тушум 1320 минг. Сўм

Ж. Беғараз молиявий ёрдам (ЎзР ВМ қарори билан) 3 млн. Сўм.

З. Олинган грантлар 1 млн. Сўм

К. Дивидентлар 845 минг сўм.

Юқорида берилган кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда:

1. Корхонанинг фаолият турлари бўйича ва асосий фаолияти бўйича ягона солиқ тўлови базасини аниқланг

2. Фаолият турлари бўйича ягона солиқ тўлови суммасини аниқланг

Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби

Кўрсаткичлар	Сатр коди	Жами	шу жумладан, ягона солиқ тўлови тўловчиси тўғрисида маълумотда кўрса-тилган фаолият тури бўйича (01-варақ)					
			асосий фаоли- ят тури - 1	2	3	4	5	6
Товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан соф тушум	010							
Фаолият турлари бўйича тушумнинг товар (иш, хизмат)ларни реализация қилишдан жами тушумдаги салмоғи, %да	020	100						
Бошқа даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 1-иловасининг 010-сатри)	030			X	X	X	X	X
Солиққа тортиладиган ялпи тушум (010-сатр + 030-сатр)	040							
Имтиёзлар – жами (0501-сатр + 0502-сатр)	050							
шу жумладан:								
солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 2-иловасининг 010- сатри)	0501			X	X	X	X	X
солиқ солинадиган ялпи тушумни камайтириш (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 3- иловасининг 010-сатри)	0502							
Солиққа солинадиган база – жами (040-сатр – 050-сатр)	060							
шу жумладан ҳисобланган:								
пластик карточкалар қўлланиб кўрсатилган хизматлар хажмидан олинган тушумдан (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 5-иловасининг 030-сатри х 060-сатр)	0601							
0601-сатр бўйича олинган тушум чегирилган ҳолдаги тушумдан (060-сатр – 0601-сатр)	0602							
Ягона солиқ тўловининг белгиланган ставкаси	070	X						
Ягона солиқ тўловининг тузатилган ставкаси:	080	X						

экспорт қилувчи корхоналар учун экспорт улушига нисбатан,%да (Ягона солиқ тўлови ҳисоб-китоби 6-иловасининг 060-сатри)	0801	X						
хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари учун пластик карточкалар қўлланиб тўланган кўрсатилган хизматлар ҳажмидан олинган тушумга нисбатан, %да [0801-сатр – (0801-сатр x 10%)]	0802	X						
Ягона солиқ тўлови суммаси – жами(0901-сатр + 0902-сатр)	090							
шу жумладан ҳисобланган:								
0601-сатрда кўрсатилган тушумдан (0601-сатр x 0802-сатр)	0901							
0602-сатрда кўрсатилган тушумдан (0602-сатр x 0801-сатр)	0902							
Бюджетга тўланадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси (Қўшилган қиймат солиғи ҳисоб-китобининг 030-сатри)	100		X	X	X	X	X	X
Ягона солиқ тўлови суммасини камайтирадиган қўшилган қиймат солиғи суммаси(100-сатр, бироқ 090-сатр x 50 фоиздан кўп эмас)	110		X	X	X	X	X	X
Ҳисоб-китоб бўйича ҳисобланган ягона солиқ тўлови суммаси (090-сатр – 110-сатр)	120		X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига чегирилган ҳолдаги ягона солиқ тўлови суммаси [120-сатр – (120-сатр x 5%)]	130		X	X	X	X	X	X
Аввалги давр учун ҳисоб-китоб бўйича ягона солиқ тўловининг ҳисобланган суммаси (130-сатр)	140		X	X	X	X	X	X
Умумбелгиланган солиқлар бўйича қайта ҳисоб-китоб қилишдаги қўшимча тўланадиган ягона солиқ тўлови	150		X	X	X	X	X	X
Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармасига ўтказиладиган ягона солиқ тўлови суммаси [(120-сатр – (140-сатр / 95%)) x 5%]	160		X	X	X	X	X	X

Изоҳ: 1. 070-сатр амалга ошириладиган фаолият турига қараб ягона солиқ тўлови ставкаси кўрсатилади. 2. Қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлмаган юридик шахслар 100 ва 110-сатрларга «0» қўяди. 3. 130 ва 160-сатрлар Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракатини ривожлантириш жамғармаси маҳаллий бўлимлари билан ўзаро қўллаб-қувватлаш тўғрисида шартномалар тузган солиқ тўловчилар (савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар, лотереялар ташкил қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш доирасидаги юридик шахслар бундан мустасно) томонидан тўлдирилади.

илова №1


Бошқа даромадлар

Кўрсаткич	Сатр коди	Сумма
Бошқа даромадлар – жами (020 – 190-сатрлар суммаси)	010	
шу жумладан:		
солиқ тўловчининг асосий воситалар ва бошқа мол-мулкни чиқиб кетишидан оладиган даромадлар	020	
мол-мулкни оператив ижарага беришдан олинадиган даромадлар	030	
асосий воситалар ва номоддий активларни молиявий ижарага беришдан олинадиган даромадлар	040	
бошқа шахслардан текинга олинган мол-мулк, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек ишлар ва хизматлар	050	
инвентаризация натижасида аниқланган ортиқча товар-моддий захиралар ҳамда бошқа мол-мулк қиймати тариқасидаги даромадлар	060	
ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги даромадлар	070	
мажбуриятларни ҳисобдан чиқаришдан олинадиган даромадлар	080	
талаблардан ўзганинг фойдасига воз кечиш шартномаси бўйича олинган даромадлар	090	
жами даромаддан илгари чегириб ташланган ҳаражатлар ёки зарарларнинг ўрнини қоплаш тарзида олинган даромадлар	100	
хизмат кўрсатувчи хўжаликлардан олинадиган даромадалар	110	
биргаликдаги фаолиятда иштирок этишдан олинадиган даромадлар	120	
ундириб олинган ёки қарздор томонидан тан олинган жарималар ва пеня	130	
валюта ҳисобварақлари бўйича курсдаги ижобий фарқ	140	
чет эл валютасидаги операциялар бўйича олинган даромадлар	150	
дивидендлар	160	
процентлар	170	
роялти	180	
товарларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш ва реализация қилиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан олинадиган бошқа даромадлар – жами	190	
шу жумладан:	1901	

Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар

Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар рўйхати	Сатр коди	Сумма
Солиқ солиш объекти сифатида қаралмайдиган даромадлар - жами (020 - 060-сатрлар йиғиндиси)	010	
шу жумладан:		
бюджетдан берилган субсидиялар	020	
